



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

Проект

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ

**Кўшилган қиймат солиги тўловчиларини солик органларида кўшилган қиймат солиги
бўйича маҳсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан**
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида

VQL-5148/22-3

Мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда самарали соликқа тортиш тизими ва давлат солик хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ўз ечимини топмаган сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги солик қонунчилиги талабларини янада кучайтиришни тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорининг 21-банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Кўшилган қиймат солиги тўловчиларини солик органларида кўшилган қиймат солиги бўйича маҳсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-бандига мувофиқ, шунингдек, интизомли солик тўловчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, солик хавфи юқори даражада бўлган контрагентлар билан операцияларни (битимларни) амалга оширишни чеклаш бўйича таъсир чораларини кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

қонунчиликда белгилangan айrim лицензия турларининг талаблари бузилганда ҚҚС гувоҳномасини тўхтатиш учун асос бўлиши;

нефть, газни (шу жумладан, сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газини) ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолияти учун берилган лицензия талабларига 1 та ходим бирданига 2 та лавозимда ишлаши мумкин эмаслиги, шунингдек автоматлаштирилган хисобга олиш ўлчов воситаларини солик органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш лозимлиги.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиеv зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил “___” ____-сон

қарорига

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва
кўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Кўшилган қиймат солиги тўловчиларини солиқ органларида қўшилган қиймат солиги бўйича маҳсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

қўйидаги мазмундаги ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“нефть, газни (шу жумладан, сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газини) ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда реализация килиш фаолияти учун берилган лицензия талаблари бузилганда;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун лицензия талаблари бузилганда;”;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар тегишинча ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Maxsus электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 25-иловасининг 9 бандида:

“б” кичик банди қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

“Бунда, 1 та ходим бирданига 2 та лавозимда ишлаши мумкин эмас.”;

қўйидаги мазмундаги “л” кичик банди билан тўлдирилсин:

“л) автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситаларини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш.”.